

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

ПУЛАТОВА НИЛУФАР УБАЙДУЛЛАЕВНА

**АЛИФАТИК, ГЕТЕРОЦИКЛИК ФАОЛ-ФУНКЦИОНАЛ ГУРУҲЛИ
БИРИКМАЛАР СИНТЕЗИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Пулатова Нилуфар Убайдуллаевна

Алифатик, гетероциклик фаол-функционал гуруҳли бирикмалар синтези ва хоссалари..... 3

Пулатова Нилуфар Убайдуллаевна

Синтез и свойства алифатических и гетероциклических соединений с активными функциональными группами..... 25

Pulatova Nilufar Ubaydullaevna

Synthesis and properties of compounds of the aliphatic and heterocyclic with active functional group 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

ПУЛАТОВА НИЛУФАР УБАЙДУЛЛАЕВНА

**АЛИФАТИК, ГЕТЕРОЦИКЛИК ФАОЛ-ФУНКЦИОНАЛ ГУРУҲЛИ
БИРИКМАЛАР СИНТЕЗИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3. DSc/K198 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tkti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Максумова Ойтўра Ситдиқовна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдушукуров Анвар Кабирович
кимё фанлари доктори, профессор

Набиева Ирода Абдусаматовна
техника фанлари доктори, профессор

Эшқурбонов Фурқат Бозорович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, А.Навобий кўч., 32. Тел.:(99871)244-79-20, факс:(99871)244-79-17, e-mail:tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават анжуманлар зали.

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, А.Навобий кўч., 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Туробжонов С.М.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., проф. академик

Қодиров Х.И.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
т.ф.д., профессор.

Раҳмонбердиев Г.Р.
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, к.ф.д., профессор.

КИРИШ (фан докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда, жаҳонда, алифатик ва гетероциклик фаол функционал гуруҳли бирикмалар кимёсининг илмий ва амалий аҳамияти йилдан йилга ортиб, полифункционал бирикмалар синтез қилиш, кимёвий, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини ўрганиш, янги қўллаш соҳаларини аниқлаш органик синтезнинг истиқболли ва жадал ривожланаётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиладиган азотли алифатик ва гетероциклик полифункционал бирикмалар синтез қилиш усулларини яратиш билан уларнинг ассортиментини кенгайтириш, чиқиндисиз экологик тоза технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда алифатик ва гетероциклик фаол функцияли бирикмалар олишда полимерланиш ва сополимерланиш реакцияларини бошқариш, мономерлар ва радикалларнинг фаоллигини уларнинг эритувчилар билан боғлиқ тарзда ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада юқори самарали реакция фаол мономерлардан фойдаланиб белгиланган структура ва хоссага эга янги (со)полимерлар синтез қилиш жараёнларини муқобил шароитларини ишлаб чиқиш, реакциянинг кинетик параметрлари ва механизмини аниқлаш, уларнинг физик-кимёвий, токсикологик ва биологик хоссаларини ўрганиш асосида жараённинг илмий асосларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда органик синтез саноатини модернизация қилиш, фаол функционал мономерлар ва улар асосида термик барқарор, сувда эрувчан, кам захарли антибактериал (со)полимерлар олиш учун технологик тизимлар ишлаб чиқиш, янги полимер ва сополимер ҳосилаларини синтез қилишнинг муқобил усулларини ишлаб чиқиш илмий асосларини яратиш борасида муайян илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг «2022-2026-йилларда «Иқтисодиётнинг ривожлантиришнинг стратегияси устувор йўналишлари»»да белгиланган, ҳамда «маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатидан янги маҳсулот ва технологияни яратиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, органик синтез саноатини ривожлантиришга йўналтирилган алифатик ва гетероциклик фаол функцияли бирикмалар синтез қилиш жараёнлари назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги фармонида, 2019-йил 3-апрелдаги ПҚ-4256 сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача «яшил» иқтисодиётга ўтишга қаратилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»

ислохатлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479 сонли «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларини барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъриий ҳужжатлардаги белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Бажарилган тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Таркибида гетероцикл сақлаган бирикмалар билан кислоталар эфирлари асосида турли муҳитларда алифатик ва гетероциклик фаол функцияли бирикмалар синтез қилиш, уларнинг структура ва хоссаларини аниқлаш, амалиётда қўллаш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий ишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Dow Chemical and Rohm & Haas (АҚШ), Thermax Lid (Ҳиндистон), Ege University (Туркия), Jiangsu Suqing (Хитой), University of Maryland (АҚШ), Purolite international Ltd (Буюк Британия), University of Kitakyushu (Япония), University of Melbourne (Австралия), Silesian University of Technology (Польша), Валенсия политехника университети (Испания), Азарбайжон нефть ва кимё институти (Азарбайжон) илмий тадқиқотлар институти, Россия кимё-технология университети, Қозон миллий тадқиқотлар технологиялар университети (Россия), Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технологиялар университети (Россия), Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот иснитути, Ўзбекистон Республикаси фанлари академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Тошкент кимё-технология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Таркибида гетероцикл сақлаган тўйинмаган бирикмаларнинг радикал (со)полимерланиши орқали полимерлар ишлаб чиқариш, структура шаклланишининг асосий принциплари ва қонуниятларини асослаш, акрил кислота ва акрилатлар асосида олинган сополимерларни қуюқлаштирувчилар, эмулсификаторлар, муҳитнинг физик-кимёвий хоссали стабилизаторлари сифатида қўллаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги илмий-амалий натижалар олинган: алифатик ва гетероциклик фаол функцияли бирикмалар синтез қилиш жараёнлари назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилган (University of Maryland (АҚШ), Purolite international Ltd (Буюк Британия)); гетероцикл сақлаган бирикмалар билан кислоталар эфирлари асосида турли муҳитларда алифатик ва гетероциклик фаол функцияли бирикмалар олиш технологияси ишлаб чиқилган (Dow Chemical and Rohm & Haas (АҚШ), Thermax Lid (Ҳиндистон), Ege

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://dx.doi.org/10.1081/SS-200068451>; <http://ebys.ege.edu.tr/ogrenci/ebp/course>;

https://www.researchgate.net/profile/Beata_Podkoscielna; <https://www.kitakyu-u.ac.jp>;

<http://ifoch.bas-net.by> www.unist.ac.kr, www.tdtu.uz, www.tkti.uz, www.urmon.uz ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

University (Туркия)); алифатик ва гетероциклик фаол функцияли полимер плёнкалар, қопламалар, акрил толалари, бириктирувчи ва плёнка ҳосил қилувчи компонент олинган ва ҳоссалари аниқланган (Jiangsu Suqing (Хитой), Silesian University of Technology (Польша), Валенсия политехника университети (Испания)); N-винилсукцинимид ва улар асосида полимерлар, сополимерлар олишнинг янги усуллари ишлаб чиқилган, тиббий ва биологик композицион материалларни яратилган (Азарбайжон нефть ва кимё институти (Азарбайжон) илмий тадқиқотлар институти, Россия кимё-технология университети, Қозон миллий тадқиқотлар технологиялари университети (Россия)); икки асосли органик кислоталарнинг янги мономерлари- винилимидлар синтез қилинган, радикал полимерланиш ва сополимерланиш реакциялари аниқланган (Silesian University of Technology (Польша), Ўзбекистон Республикаси фанлари академияси Полимерлар кимёси институти Тошкент кимё-технология институтида (Ўзбекистон)).

Дунёда гетероцикл сақлаган тўйинмаган бирикмаларнинг радикал (со)полимерланиши орқали полимерлар ишлаб чиқариш, акрил кислота ва акрилатлар асосида олинган сополимерларни қўлланилиш соҳаларини аниқлаш бўйича бир қатор, жумладан қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: винил полимерларини олиш, ҳоссалари ва амалий фойдаланишнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, органик кислоталарнинг янги мономерларини синтез қилиш ва уларнинг радикал полимерланиш ва сополимерланиш реакциялари қўллаш, микро- ва наноструктурали полимерлар, полимер наноматрицалар олиш, улар асосида катион мономерлар синтези ва уларни антибактериал восита сифатида қўллаш, тиббий ва биологик композицион материаллар олиш технологияларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алифатик, гетероциклик фаол-функционал гуруҳли бирикмалар фан, техника ва саноатнинг турли соҳаларида, жумладан, кимё, фармацевтика, тиббиёт, машинасозлик, тўқимачилик, енгил саноат ва бошқа соҳаларда муҳим аҳамиятга эга. Дунёнинг етакчи олий ўқув юртлиари, илмий тадқиқот институтлари янги фаол функционал гуруҳли бирикмалар синтез қилиш усуллари ва технологияларини яратиш устида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Жумладан фаол-функционал гуруҳли мономер ва полимерлар синтези, структура ва ҳоссаларини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш Р. Элдерфилд, А.А. Гейл, З.М. Мулдаҳметов, Г.Д. Залищчевский, В.Е. Сомов, М.В. Бурмистр, Э.Г. Месропян, Г.А. Абдулина, А.М. Газалиев, Э. Ергожин, Э.И. Лустгартен, А.А. Василева, Г.А. Волкова, Г.А. Смоляков, К.Й. Лее, Д.Ж. Мооней, Э. Робертс, Н. Плобеск, К. Валлестедт, Паттерсон Лауриер Жан, Рафта Мирослав, Чао Роберт, Москуера Пестана Рамон, Гиани Андреа Линде, Антонио Лаверде Жуниор, К.Ю. Лебедев, А.Т. Сагитдинова, Н.З. Байбулатова, К.Д. Пралиев, Н.Б. Қурманалиев, К.Б. Эржанов, И.П. Белетская, Г.Д. Титский, Т.К. Исакова, Т.П. Кустова, Э.А. Петрушкина, В.Н. Шишкин, М.В. Успенская, Л.И. Власова, Г.С. Ахметова, Т.А. Сулаймоновлар томонидан ўрганилмоқда.

Республикада ушбу йўналиш, жумладан янги алифатик ва гетероциклик полифункционал полимер бирикмаларини олиш жараёнларининг кинетик қонуниятлари ва реакция механизмларини аниқлаш, олинган бирикмаларнинг хоссаларини ўрганиш, синтез қилиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича академиклар А.Т. Джалилов, С.Ш. Рашидова, С.М. Туробжонов, Г. Рахмонбердиев, профессорлар А.Г. Махсумов, А.К. Абдушукуров, А. Икромов, Х.И. Акбаров, О.С. Максумова, М.Г. Муҳамедиев, З.А. Таджиходжаев, А.С. Рафиқов ва бошқалар томонидан илмий изланиш ишлари олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот режасининг А-12-75 «Терини даволаш учун биологик фаол моддалар яратиш» (2015-2017 й.й.) ва «Фаол функционал бирикмалар олиш уларнинг тузилиши ва хоссаларини илмий асосларини яратиш» (2017-2020 й.й.) мавзуларидаги амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади алифатик, гетероциклик фаол-функционал гуруҳли бирикмалар синтез қилиш жараёнлари кинетик қонуниятларини асослаш, олинган моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва қўллаш соҳаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эпихлоргидрин билан аминокислоталарни, жумладан глицин ва аргининни ўзаро таъсир реакциялари натижасида 3-хлор-2-гидрокси-пропилглицинат ва 3-хлор-2-гидроксипропиларгинатнинг ҳосил бўлиш жараёнини ўрганиш;

эпихлоргидрин билан гетероциклик бирикмалар асосида аминспиртлар олиш ва у билан акрил ва метакрил кислоталарни этерификация реакциялари механизмини ва жараённинг муқобил шарт-шароитларини тадқиқ қилиш;

синтез қилинган 1-хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат ва 1-хлор-3-пиперидин-2-пропилметакрилатнинг радикал полимерланиш жараёнлари кинетик қонуниятларини ўрганиш;

1-хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилатни инициаторсиз ўз-ўзидан полимерланиш жараёнининг муқобил шарт-шароитларини аниқлаш;

1-хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат билан акрил кислота, метакрил кислота, стирол ва N-морфолин-3-хлоризопропилакрилатнинг радикал сополимерланиш жараёнини тадқиқ қилиш;

олинган сополимерларнинг таркиби, фаоллик константалари, мономерларнинг реакция тартиблари ва сополимерланиш жараёнининг умумий фаолланиш энергиясини аниқлаш;

синтез қилинган мономер, (со)полимерларнинг структурасини физик-кимёвий ва молекуляр-динамик, квант-кимёвий усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш, ҳамда қўллаш соҳаларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объектлари сифатида морфолин, пиперидин, эпихлоргидрин, акрил ва метакрил кислоталар, стирол, аргинин, глицин асосида синтез қилинган мономер, полимер ва сополимер бирикмалар, кислота катализаторлари, инициаторлар, эритувчилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети алифатик ва гетероциклик бирикмалар асосида турли функционал гуруҳли бирикмаларни синтез қилиш, уларнинг радикал полимерланиш ва сополимерланиш қонуниятларини ўрганиш, синтез қилинган мономер, полимер ва сополимерларнинг структурасини, физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда элемент анализ, ИҚ-, ПМР-, ЯМР-спектроскопия, хромато-масс спектрометрия, гел ўтказувчанлик хроматография, термоаналитик таҳлил, оптик микроскопия, квант кимёвий (РМ-3, МНДО-3) ярим эмпирик ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1-хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилатнинг радикал полимерланиш жараёни кинетик қонуниятлари аниқланиб, мономер, инициатор бўйича реакция тартиби, жараённинг фаолланиш энергияси ва реакция механизми исботланган;

эпихлоргидрин билан пиперидин асосида олинган 1-хлор-3-пиперидин-2-пропанолнинг акрил ва метакрил кислоталар билан этерификация реакциялари механизми асосланган;

1-хлор-3-пиперидин-2-пропил-(мет)акрилатнинг радикал полимерланиш кинетик қонуниятлари исботланиб, мономер (1,0 ва 1,1) ва инициатор (0,5 ва 0,52) бўйича реакция тартиблари, жараённинг фаолланиш энергия (76,7 ва 79,8 кЖ/моль) қийматлари аниқланган;

1-хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилатнинг инициаторсиз ўз-ўзидан полимерланиш жараёни аниқланиб, акрил кислота, метакрил кислота, N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва стирол билан сополимерланиш реакцияларининг кинетик параметрлари, сополимерланиш константалари, сомономерларнинг кутблилик ва фаоллик факторлари асосланган.

синтез қилинган (со)полимерларнинг термобарқарорлик ва антибактериаллик хоссалари орқали структуравий шаклланиш механизмининг назарий ва амалий асослари исботланган;

юқори молекуляр массага эга, термик барқарор, фотосезгир ва антибактериал функционал фаол полимер ва сополимерлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

акрил, метакрил кислоталар билан аминоспиртларни этерификация реакциялари асосида молекуласида азот, хлор ва кислород сақлаган полифункционал мономерлар ишлаб чиқариш мақбул шароитлари аниқланган;

1-хлор-3-пиперидин-2-пропил(мет)акрилат олиш технологияси ишлаб чиқилган;

1-хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилатнинг инициаторсиз ўз-ўзидан полимерланиш жараёнининг муқобил шарт-шароитларини аниқланган, сувда эрувчан, экологик тоза, юқори ҳароратга чидамли полимер маҳсулотлари олиш жараёнлари ишлаб чиқилган;

1-хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат ва акрил кислотанинг радикал сополимерланиши мақбул шароитлари аниқланиб, полимерланиш жараёни технологияси ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий кимёвий ва физик-кимёвий усуллар (элемент анализ, ИҚ-, ПМР-, ЯМР-спектроскопия, хромато-масс спектрометрия, гел ўтказувчанлик хроматография, термоаналитик таҳлил, квант-кимёвий ярим эмпирик ва бошқа усуллар), экспериментал маълумотларга статистик ишлов беришда органик синтез жараёнлари кинетика ва термодинамикасининг замонавий назарияларидан фойдаланилганлиги, назарий ва тажриба тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасининг илмий аҳамияти хоссалари яхшиланган, жумладан нисбатан юқори молекуляр массага эга, юқори термик барқарор, фотосезгир ва антибактериал функционал фаол полимер ва сополимерлар синтез қилиш жараёнларининг кинетик қонуниятларини илмий асосланганлиги, реакция механизми, чизикли ва тармоқланган полимер маҳсулотлари олиш жараёнларининг муқобил шароитлари аниқланганлиги ва назарий асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти алифатик ва гетероциклик фаол функционал мономерлардан фойдаланиб сувда эрувчан, термик барқарор, антибактериаллик хоссасини намоён қилувчи ва УБ-нур таъсирида фотосезгирлик хусусиятига эга янги (со)полимер маҳсулотлари синтез қилиш усуллари мувофиқ саноатда ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алифатик, гетероциклик фаол-функционал гуруҳли бирикмалар синтези ва хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

1-хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат ва 1-хлор-3-морфолин-2-пропилакрилат сополимери ишлаб чиқариш технологияси «ЭЛЕКТРОКИМЁЗАВОД» ҚК-АЖ нинг «2026-2028 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («ЭЛЕКТРОКИМЁЗАВОД» ҚК АЖнинг 2024 йил 19 июндаги 76-сон маълумотномаси). Натижада, УБ-нурлар таъсиридан ҳимоя қилувчи фотосезгир полимер материал ишлаб чиқариш имконини беради;

1-хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат ва акрил кислота сополимери ишлаб чиқариш технологияси «ЭЛЕКТРОКИМЁЗАВОД» ҚК-АЖ нинг «2026-2028 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («ЭЛЕКТРОКИМЁЗАВОД» ҚК АЖнинг 2024 йил 19 июндаги 76-сон маълумотномаси). ЛД₅₀ кўрсаткичлари 4536,9мг/кг, 9200,0 мг/кг тенг эканлиги ва уларни кам захарли моддаларни IV синфига оид, антибактериал фаол сополимер ишлаб чиқариш имконини беради;

1-хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат ва акрил кислота сополимери ишлаб чиқариш технологияси «ЭЛЕКТРОКИМЁЗАВОД» ҚК-АЖ нинг «2026-2028 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («ЭЛЕКТРОКИМЁЗАВОД» ҚК АЖ нинг 2024 йил 19 июндаги 76-сон маълумотномаси). Натижада антибактериал фаоллиги 0,03 % концентрацияда *St.Aureus*, *St.Epidermides* ва *Bas.Subtiles* штамларига нисбатан юқори самарадор сополимер ишлаб чиқариш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 2 та халқаро ва 11 та республика илмий, илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, улардан 5 та республика ва 7 та хорижий журналларда ва 2 та хорижий тилда монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 220 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончилиги, апробация ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.


Диссертациянинг биринчи **«Алифатик ва гетероциклик бирикмалар асосида синтезлар, тадқиқотлар ва қўлланилиш соҳаларининг замонавий ҳолатини ўрганиш»** деб номланган биринчи бобида алифатик бирикмалар ҳосилаларини синтези, гетероциклик бирикмалар билан (мет)акрил кислоталарнинг мураккаб эфирлари синтези, гетероциклик бирикмаларнинг радикал полимерланиш ва сополимерланиш реакцияларининг назарий асослари, гетероциклик мономерлар асосида полимер ва сополимерларни олиш усуллари, хоссалари, ҳамда қўлланиш соҳалари бўйича нашр этилган илмий изланишлар ва уларнинг таҳлил натижаларининг шарҳи берилган. Алифатик, гетероциклик бирикмалар асосида олинган сополимерларнинг таркиби, структураси, синтез қилиш усуллари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

Диссертациянинг иккинчи **«Изланиш объектларини физик-кимёвий хоссалари, олиниш ва тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган бобида тадқиқот объектларининг тавсифи, мономер, полимер ва сополимерларнинг олиниш усуллари, уларнинг физик-кимёвий, физик-механик ва биологик хоссаларини аниқлаш усуллари ва асбоблари келтирилган.

Диссертациянинг **«Алифатик ва гетероциклик бирикмалар ҳосилаларининг олиниш жараёнлари ва хоссаларини тадқиқ қилиш»** деб номланган учинчи бобида алифатик бирикмаларни, пиперидин фрагментли тўйинмаган мураккаб эфирларни олиниш жараёнлари, уларни инициаторсиз ўз-ўзидан ва радикал полимерланиш, ҳамда сополимерланиш реакцияларининг

кинетик қонуниятлари, синтез қилинган бирикмаларнинг структураси замонавий физик-кимёвий спектрал усуллар ёрдамида тадқиқ қилинган.

Алифатик бирикмаларнинг ҳосилаларини синтез қилиш усуллари. Ишнинг ушбу босқичида алифатик бирикмаларнинг турли ҳосилаларини синтез қилиш жараёнлари, жумладан эпихлоргидрин билан глицин ва аргинин каби аминокислоталарни ўзаро таъсир реакциялари органик эритувчилар муҳитида ўрганилган. Жараёнга турли омиллар: реакцияга киришаётган моддалар ва эритувчининг табиати, реакцияга киришаётган моддаларнинг нисбати, ҳарорат таъсири ўрганилди. Дастлаб реакцияда иштирок этувчи аминокислоталар табиатининг таъсири ўрганилди (1-расм).




1-Расм. 1-эпихлоргидрин–глицин ва 2-эпихлоргидрин-аргининнинг 1:1 нисбатда диоксан муҳитида ўзаро реакциясини вақтга боғлиқлиги. T=50 °C

Ўрганилаётган реакция жараёнининг кейинги босқичида вақт ва ҳароратнинг ўзгаришини маҳсулот ҳосил бўлиши унумига таъсири ўрганилди (2-расм).

Олинган натижаларга кўра, эпихлоргидрин ва аминокислоталар асосида 50 °C да диоксан муҳитида борадиган реакция вақтининг ортиши билан эпихлоргидрин–глицин

системаси учун энг яхши унум билан маҳсулот ҳосил бўлганини кўриш мумкин.



2-Расм. 1-эпихлоргидринглицин ва 2-эпихлоргидринаргининнинг турли нисбатлардаги ўзаро реакциясини ҳароратга боғлиқлиги. T=40-50 °C, эритувчи диоксан

2-расмдан олинган натижаларга кўра, 40-50 °C ҳароратда реакцияга киришаётган моддаларнинг 1:1 моль нисбатида 3-хлор-2-гидроксипропил-глицинат ва 3-хлор-2-гидроксипропиларгинатнинг ҳосил бўлиш унуми 85 ва 82% га тенг эканлиги кўриниб турибди, ушбу ҳодисани реакцияга киришаётган

аргининнинг молекуляр тузилиши жиҳатидан реакция қобилятининг пастлиги билан изохлаш мумкин.

Кейинги босқичда гетероциклик бирикмалар асосида, жумладан 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропанол билан акрил кислота ва метакрил кислоталарнинг этерификация реакцияси асосида тўйинмаган мураккаб эфирлар (1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат ва 1-Хлор-3-пиперидин-2-метакрилат) синтез қилиш жараёнлари 70-90 °С ҳароратда ўрганилди.

Синтез қилинган 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат ва 1-Хлор-3-пиперидин-2-метакрилатларнинг инициатор иштирокида органик эритувчилар муҳитида 40-60°С ҳароратда полимерланиш реакциялари тадқиқ қилинди. Экспериментал тадқиқотлар натижасида юқорида номланган мономерларни полимерланиши натижасида таркиби ва структураси дастлабки мономерга ҳос бўлган, сувда эрувчан полимерлар ҳосил бўлиши аниқланди. Олинган полимерларнинг таркиби ва структураси элемент анализ, ИҚ-, ПМР-, ЯМР- ва хромато-масс спектрометрия ёрдамида тасдиқланди.

Тадқиқ қилинаётган полимерланиш жараёнининг кинетик қонуниятларини ўрганиш учун унга таъсир этувчи турли омиллар: эритувчининг табиати, инициатор ва мономер концентрацияси, ҳамда ҳарорат таъсирлари ўрганилди. Полимерланиш кинетикасига эритувчи табиатининг таъсирини ўрганиш тажрибалари натижасида 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропил-акрилат ва 1-Хлор-3-пиперидин-2-метакрилатларнинг полимерланиш реакциялари тезлиги эритувчиларнинг (бензол, этанол, диметилформаид) диэлектр ўтказувчанлигининг ортиши билан тезлашишини кўрсатди. Эритувчининг диэлектр ўтказувчанлигини ортиши билан полимерланиш реакциясининг тезлашиши кўп омилларга боғлиқ бўлади, айти ҳолатда реакцияга киришаётган мономерларнинг электрон тузилишини муҳитдаги эритувчининг табиати ўзгарганлиги билан тушунтириш мумкин.

Кейинги тажрибаларда 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат, 1-Хлор-3-пиперидин-2-метакрилатларнинг полимерланиш реакциялари кинетикасига мономер (0,1-0,5 моль/л) ва инициатор ($1 \cdot 10^{-3}$ - $5 \cdot 10^{-3}$ моль/л) концентрациясининг таъсири ўрганилди. Мономерлар 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат, 1-Хлор-3-пиперидин-2-метакрилатлар концентрацияси бўйича реакция тартиби 1,01 ва 1,05, инициатор бўйича 0,53 ва 0,56 эканлиги аниқланди.

Реакциянинг тезлик константаларини ҳароратга боғлиқлигини аниқлаш бўйича олинган маълумотлар, реакция муҳитида мономер, инициатор концентрациясини кўпайиши ва ҳароратни (50-60 °С) кўтарилиши натижасида ўрганилаётган полимерланиш реакциясининг тезлиги ортишини кўрсатди. Бунда мономер концентрациясининг ортиши билан синтез қилинган полимерларнинг характеристик қовушқоқлигини кўпайиши, инициатор концентрациясини ортиши билан эса пасайиши кузатилди. Гомополимерланиш жараёнларининг фаолланиш энергияси Аррениус $\lg K = f(1/T)$ координаталари орқали топилди: ХППАК ва ХППМА учун 76,7 ва 79,8 Дж/моль.

Кинетик тадқиқотлар натижалари асосида реакцияга киришаётган акрилатларни инициатор иштирокидаги радикал полимерланиш


реакцияларининг умумий тезлигини тенглама орқали қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$V=K[M]^{1.0} \cdot [I]^{0.53} - \text{ХППАК}$$

$$V=K[M]^{1.05} \cdot [I]^{0.56} - \text{ХППМАК}$$

Мономерлар концентрацияси бўйича топилган реакция тартиби назарийга мос келади, лекин инициатор концентрацияси 0,5 дан бир оз юқорироқ қийматга эга. Бу ҳолни мономер таркибидаги морфолин фрагментидаги азот атомини юқори манфийлик қиймати билан изохлаш мумкин.

Тадқиқ қилинган кинетик тадқиқотлар натижалари 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат ва 1-Хлор-3-пиперидин-2-метакрилатларнинг полимерланиш реакциялари радикал полимерланишнинг асосий қонуниятларига бўйсунганини кўрсатди. Экспериментал тадқиқотлар натижасида 1-Хлор-3-пиперидин-2-



пропилакрилатни (ХППАК) 0,7 моль/л ва ундан юқори концентрацияда инициаторсиз ўз-ўзидан сув ва органик эритувчилар муҳитида полимерланиш (30-50°C) жараёни кузатилди. Ушбу полимерланиш реакциясининг муқобил шароитини аниқлаш учун жараёнга турли омиллар таъсири ўрганилди. Дастлаб жараённинг мономер бўйича реакция тартибини аниқлаш учун полимерланиш реакциясига мономер концентрациясининг таъсири тадқиқ қилинди (3-расм, 1-жадвал).

3-Расм. Ўз-ўзидан полимерланиш реакция тезлигига мономер концентрациясини таъсири. [ХППАК], мол/л: 1-0,7; 2-1,0; 3-1,2; 4-1,4; 4-1,5. T= 50°C, эритувчи сув

4-расм ва 1-жадвал натижаларига кўра мономер концентрацияси ортиши билан реакция тезлигини ва полимер ҳосил бўлиш унумини пропорционал равишда кўпайиши ва полимерланиш реакциясининг мономер бўйича тартиби 1,3 тенг эканлиги аниқланди. Кейинги жараёнда 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилатнинг (ХППАК) турли концентрацияларда полимерланиш реакция тезликлари ва қовушқоқлик кўрсаткичлари аниқланди (1-жадвал).


1-Жадвал

ХППАК нинг полимерланиш тезлигига мономер концентрациясининг таъсири. Эритувчи-сув; T= 50 °C.

[M], моль/л	$V \cdot 10^{-4}$, моль/л·с	Полимер унуми, %	$[\eta]$, дл/г
0,7	2,74	72	1,35
1,0	3.12	79	1,38
1,3	5,8	85	1,45
1,5	6,4	92	1,54

Жадвал натижаларига кўра, мономер концентрациясининг ортиши билан реакция тезлиги, полимернинг ҳосил бўлиш унуми ва характеристик

қовушқоқлиги ҳам мос равишда ортиб борар экан. Синтез қилиб олинган ПХППАК полимерининг структураси ^1H ЯМР-, ИК-спектроскопия усуллари ёрдамида аниқланди (4,5-расмлар).




4-Расм. Поли-1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилатнинг ^1H ЯМР -спектри

^1H ЯМР-спектри таҳлилида, углерод атомларида дублет-дублет сигналлари 6.77 м.д. соҳада, С атомидаги (СН) протонларнинг синглет сигналлари 6.58 м.д. соҳада, 3,38 м.д. соҳадаги сигнал кислород - ОСН га метилен гуруҳлари протонлари учун характерлидир ва сополимернинг метилен гуруҳининг сигнали $-\text{CH}_2-$ 2,60 м.д. да кузатилган (4-расм).

Thermo Nicolet 1 - Initiator

Sat May 29 13:01:05 2021 (G)



5-Расм. Поли-1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилатнинг ИК -спектри

ПХППАКК нинг ИҚ-спектрида куйидаги ютилиш чизиклари намоён бўлди, cm^{-1} : $\nu(\text{C-N})$ 2929; $\nu(\text{CH}_2)$ ва (CH_3) 1695; $\nu(\text{C=O})$ 1458; $\nu(\text{C-O-C})$ асимм 1165 ва симм 1055 (5-расм).

1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат билан акрил-, метакрил кислоталарни радикал сополимерланиш жараёнини тадқиқ қилиш. Ушбу тадқиқотларни бажаришда сомономерлар сифатида 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат билан акрил ва метакрил кислоталари танланди. Танланган мономерларнинг сополимерланиш жараёни органик эритувчилар муҳитида 60-80 °С ҳароратда инициатор ДАК иштирокида ўрганилди.


Сополимерланиш реакциясини ўрганишда ҳосил бўладиган сополимер таркибини мономер аралашмаси таркибига боғлиқлиги ва жараёни ўтказиш шароитлари муҳим аҳамиятга эга. Мономерлар таркибини ҳосил бўладиган сополимер таркибига боғлиқлигини аниқлаш учун мономерларнинг турли моль нисбатларида сополимерланиш реакцияси ўтказилди (2-жадвал).

2-Жадвал

Дастлабки мономер таркибини сополимер таркибига боғлиқлиги (ДМФА эритмасида; $[ДАК] = 5 \cdot 10^{-3}$ мол/л, 60°C , реакция вақти 2 соат). M_1 – ХПШАК.

Мономер таркиби, %моль		$V \cdot 10^{-4}$, моль/л·с	Азот миқ-дори, %	Унум, %	Сополимер таркиби, %мол		$\frac{[M_1]}{[M_2]}$	$\left(\frac{[M_1]}{[M_2]}\right)^2$	$\frac{[m_1]}{[m_2]}$	$\frac{[m_2]}{[m_1]}$
M_1	M_2				m_1	m_2				
ХПШАК-АК										
10	90	0,18	0,5	6,2	9,97	90,03	0,11	0,0121	0,11	9,03
30	70	0,21	1,4	7,8	30,35	69,65	0,43	0,1849	0,44	2,29
50	50	0,25	2,3	8,9	49,86	50,14	1,0	1,0	0,99	1,01
70	30	0,29	3,2	11,2	69,37	30,63	2,3	5,29	2,26	0,44
90	10	0,32	4,2	10,5	91,05	8,95	9,0	8,1	10,2	0,99
ХПШАК-МАК										
10	90	0,15	1,18	5,0	10,55	89,45	0,11	0,0121	0,12	8,48
30	70	0,19	3,35	6,8	29,96	70,04	0,43	0,1849	0,43	2,34
50	50	0,22	5,59	8,1	49,99	50,01	1,0	1,0	0,99	1,0
70	30	0,25	7,83	10,2	70,03	29,97	2,3	5,29	2,34	0,43
90	10	0,28	10,0	9,5	89,92	10,08	9,0	8,1	8,92	0,11

Жадвалдан дастлабки мономерлар аралашмасининг таркиби сополимерлар таркибига ва жараён тезлигига сезиларли таъсир кўрсатганлигини кўриш мумкин. Тадқиқ қилинаётган сополимерланиш реакциялари тезлигини ортишида



кузатилган қонуният асосида куйидаги қаторни ҳосил қилиш мумкин: ХПШАК-АК > ХПШМАК-АК.

Синтез қилинган сополимерларнинг таркиби ва структураси элемент анализ, ИҚ-спектал усули ва эрувчанлиги асосида аниқланди.

1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат билан (мет)акрил кислотанинг сополимерланиш реакциясига мономерлар концентрациясининг таъсири ўрганилди (6-расм).

6-Расм. ХПШАК ва АК нинг сополимерланиш реакция тезлигининг мономер аралашмаси концентрациясига боғлиқлиги $[ХПШАК]=[АК]$, мол/л: 1-0,5; 2-1,0; 3-1,5; 4-2,0, $[ДАК]=5 \cdot 10^{-3}$ мол/л эритувчи ДМФА, $T=60^\circ\text{C}$

Дастлабки мономер таркибини сополимер таркибига боғлиқлиги бўйича олинган сополимерланиш диаграммаси азеотроп сополимерлар ҳосил бўлганлигини ва 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат ва акрил кислота учун

азетроп нуктаси 60:40 моль/% да, 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат ва метакрил кислота учун 54:46 моль/% бўлишини кўрсатди. Сополимерланиш тезлигининг мономер, инициаторнинг умумий концентрациясига боғлиқлигини кинетик қонуниятлари шуни кўрсатадики, ХППАК ва АК асосида олинган сополимернинг мономерлар бўйича реакция тартиби 1,03 инициатор бўйича эса 0,5 га тенг, ХППАК ва МАК асосида олинган сополимернинг мономерлар бўйича реакция тартиби 1,05 инициатор бўйича эса 0,7 га тенг, бу бимолекуляр занжирнинг узилишини кўрсатади.

ХППАК (r_1) ва АК, МАК (r_2)нинг сополимерланиш константалари қийматлари дастлабки аралашмада турли нисбатларга эга бўлган сополимерларнинг таркибини аниқлаш бўйича олинган экспериментал маълумотлар асосида Фейнеман-Росс дифференциал тенгламасини график ечиш орқали, фаоллик ва кутблилик факторлар қийматлари эса Алфрей ва Прайс тенгламалари ёрдамида аниқланди (3-жадвал).


3-Жадвал

ХППАК (M_1) ва АК, МАК (M_2)нинг сополимерланиш константалари қиймати (АК учун $Q=1,15$, $e=0,77$; МАК учун $Q=0,98$, $e=0,62$), $[ДАК]=5 \cdot 10^{-3}$ мол/л эритувчи ДМФА, $T=60^\circ\text{C}$.

M_1	M_2	r_1	r_2	$r_1 \cdot r_2$	$1/r_1$	$1/r_2$	Q_2	e_2
ХППАК	АК	0,66	0,44	0,29	1,52	2,27	4,1	1,88
ХППАК	МАК	0,90	0,79	0,80	1,11	1,12	1,45	1,09

3-жадвал маълумотларидан топилган сополимерланиш константаларининг қийматлари r_1 ва r_2 бирдан кичиклигини, $r_1 > 1$ ва $r_2 < 1$ эканлигини кўриш мумкин, бу эса ҳосил бўлаётган радикал ўз радикалига қараганда иккинчи мономер радикали билан тезроқ бирикишини кўрсатади. ХППАК билан АК ва МАК мономерларининг кутблилик факторларини бир-биридан фарқ қилиши эса сополимерланиш реакциясида сомономерларни макромолекулада навбатма-навбат келишини ифодалайди.

Шунингдек, 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат билан N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва стиролни сополимерланиш жараёнлари инициатор ДАК иштирокида органик эритувчилар муҳитида (диметилформаид) $60-80^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида амалга оширилди. Сополимерланиш реакциясини схемасини куйидагича ифодалаш мумкин:



Дастлабки мономерлар нисбатини ҳосил бўладиган сополимерлар таркибига боғлиқлигини аниқлаш учун 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат билан N-морфолин-3-хлор-изопропилакрилат (МХИПАК) ва стиролни сополимерланиш реакциясини мономерларни турли хил нисбатларида

ўрганилди. Бунда сополимерланиш кинетик параметрларини ва константаларини аниқлаш учун реакция жараёнлари паст конверсияда олиб борилди, синтез қилинган сополимерларнинг хоссаларини аниқлаш учун эса юқори унумда олиш жараёнлари ўрганилди (4-жадвал).

4-жадвалдан ХППАК ва МХИПАК нинг сополимерланиш жараёнида дастлабки мономерларнинг 50:50 нисбатида реакция тезлиги ва олинган сополимерларнинг унуми, молекуляр массавий қийматлари бошқа нисбатларга қараганда юқори кўрсаткичларга эга эканлигини кўриш мумкин.


4-Жадвал

ХППАК (M_1) ва МХИПАК (M_2) нинг сополимерланиш жараёни шароити ва сополимерларнинг молекуляр массавий кўрсаткичлари, $[ДАК] = 5 \cdot 10^{-3}$ мол/л, 60°C .

Реакция вақти 4 соат.


Моль нисбат		[ДАК], моль/л	$V \cdot 10^{-4}$, моль/л·с	Унум, %	$M_n \times 10^{-3}$
ХППАК	МХИПАК				
10	90	$2,5 \cdot 10^{-3}$	4,8	65	47,3
30	70	$2,5 \cdot 10^{-3}$	5,8	76	51,0
50	50	$2,5 \cdot 10^{-3}$	7,8	86	56,2
70	30	$2,5 \cdot 10^{-3}$	6,8	80	50,2
90	10	$2,5 \cdot 10^{-3}$	6,5	78	48,7
ХППАК	МХИПАК				
10	90	$5 \cdot 10^{-3}$	7,5	78	48,1
30	70	$5 \cdot 10^{-3}$	8,4	92,6	52,4
50	50	$5 \cdot 10^{-3}$	11,2	95,6	58,8
70	30	$5 \cdot 10^{-3}$	9,8	91,8	55,9
90	10	$5 \cdot 10^{-3}$	8,7	90	49,2

7-расмдан синтез қилинган сополимерларнинг ИҚ-спектрлари 1697 см^{-1} соҳаларда қўш боғланишга хос бўлган ютилиш зоналари йўқлигини кўрсатади, бу мономерларнинг винил гуруҳлари орқали ўтадиган реакцияни тасдиқлайди. $\text{C}=\text{O}$ гуруҳларнинг чўзилиш тебранишлари 1067 см^{-1} ва 1655 см^{-1} ҳудудларида; $1165, 1249\text{ см}^{-1}$ ҳудудларида $\text{C}-\text{O}-\text{C}$ гуруҳларнинг характерли чизиқлари ва $1387, 1417, 1435, 1436$ да CH_3 ва CH_2 гуруҳларининг ютилиш кўрсаткичлари мавжуд.




7-Расм. ХППАК билан МХИПАК сополимерининг ИҚ-спектри

ХПШАК билан МХИПАК сополимерининг ^1H ЯМР спектрида 1,685-1,855 м.д. сохаларда сигналлар мавжуд бу метилен гуруҳларининг протонларига мос келади, 3,74 м.д. да битта бириктирилган протон ($\text{Cl}-\text{CH}_2-$) бўлган углерод атомларининг сигналларига, 2,236 м.д. сохада ($\text{O}-\text{CH}_3$) гуруҳларининг протонларига тўғри келади (8-расм).



8-Расм. ХПШАК билан МХИПАК сополимерининг ^1H ЯМР-спектри

Стирол ва 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилат нисбати 40:60 ҳарорат 60 °C 2 соат этиб белгиланди. Стирол билан 1-Хлор-3-пиперидин-2-пропилакрилатнинг сополимерланиш жараёнига таъсир этувчи омиллар аниқланди. Сополимерланиш реакциясини схемасини куйидагича ифодалаш мумкин:



5-Жадвал


ХПШАК (M_1) ва Стирол (M_2) нинг сополимерланиш жараёни шароити ва сополимерларнинг молекуляр массавий кўрсаткичлари. $[\text{ДАК}] = 5 \cdot 10^{-3}$ мол/л, реакция вақти 2 соат, 60 °C.

Моль нисбат		[ДАК], моль/л	$V \cdot 10^{-4}$, моль/л·с	Унум, %	$M_n \times 10^{-3}$
ХПШАК	Стирол				
